

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил 26 апрель куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди «Лолазор» МФЙ биносига, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ш.Шерматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Шокировнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Казимов, судланувчи С.Ҳайитов ва унинг ҳимоячиси адвокат О.Хамитовнинг иштирокида, Ҳайитов Сардор Қахрамоновичга оид 1-1002-2206/264-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ҳайитов Сардор Қахрамонович (HAYITOV SARDOR QAXRAMONOVICH), 1988 йил 9 июнь куни Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, уч нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланманган, Бухоро вилояти, Ёйдувон тумани, Арбичан ҚФЙ, Урганч қишлоғи, 313 уйда истиқомат қилади, 2022 йил 24 март куни гаров тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Ҳайитов 2018 йилдан 2022 йил март ойига қадар бўлган вақт оралиғида, ўзининг динга бўлган қизиқиши натижасида, интернетнинг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги “Sardor Hayitov” номли профилга Рафиқ Камоловнинг “8 март байрами”, “Наврўз байрами” ҳақидаги, Содиқ Самарқандий ва бошқаларнинг ақидапарастлик фоялари билан йўғрилган диний маърузаларини жойлаштириб, намоиш қилиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2022 йил 15 март кундаги ИР-422-сонли судга оид диншунослик экспертизаси хулосасида, С.Ҳайитов томонидан жойлаштирилган маълумотлар бўйича олиб борилган тадқиқот қисмининг 2-бандида кўрсатилган маълумотлар Рафиқ Камоловнинг диний маърузалари эканлиги, тадқиқот қисмининг 2,4-бандларида кўрсатилган маълумотлар ақидапарастлик фоялари билан йўғрилганлиги, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланганлиги кўрсатилган.



Судланувчи С.Ҳайитов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроор эканлигини билдириб, қуйидагиларни, яъни тахминан 2007 йил апрель ойида Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетганлигини ва тахминан 2019 йилда Ўзбекистон Республикасига бутунлай қайтиб келганлигини, шу вақт мобайнида турли қурилиш корхоналарида оддий ишчи бўлиб ишлаб келганлигини ва меҳнат таътилга Ўзбекистон Республикасига келиб кетиб юрганлигини, тахминан 2012 йилда ўзига тегишли бўлган телефон аппарати орқали “Facebook” ижтимоий тармоғини очиб, “Sardor Hayitov” номланган профилини очганлигини, ва профилга ўзини расмини жойлаштирганлигини, тахминан 2018 йилдан 2022 йилгача ўзига тегишли бўлган “Sardor Hayitov” номли профилига Рафиқ Камоловнинг “Rafiq Qori - 8 mart bayrami”, Содиқ Самарқандийнинг диний маърузаларининг видеоёзувларини жойлаштирганлигини, уларни Ўзбекистон Республикасида тарқатиш таъқиқланганлиги ҳақида билмаганлигини, уни ушбу видеоёзувларни кўришдан ва уларни “Facebook” ижтимоий тармоғида сақлашдан ғаразли мақсади бўлмаганлигини, ҳозирда ушбу видеоёзувларини ўчириб ташлаганлигини ва “Facebook” ижтимоий тармоғидан фойдаланмаганлигини, унинг уйига фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништириб, уни Миробод тумани ИИО ФМБ биносига олиб борганларини ва нима учун олиб келганларини тушунтирганларини, у ИИБ ходимларига бўлиб ўтган ҳолатни ўз ихтиёри билан тўлиқ сўзлаб берганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, уни 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ Б.Суюнов суд мажлисида, Миробод тумани ИИО ФМБ ТЭҚБнинг катта тезкор вакили лавозимида ишлаб келганлигини, 2022 йилда у томонидан интернетнинг “Facebook” ижтимоий тармоғини мониторинг қилиш йўли орқали тармоқда тақиқланган диний мазмундаги террористик видеоёзувларни сақлаб, тарқатиб, уларни намойиш қилиб келаётган фуқароларни аниқлаш учун текширув ўтказилганда, Ҳайитов Сардор Қаҳрамонович ўзига тегишли бўлган “Facebook” ижтимоий тармоғида “Sardor Hayitov” номли профиль яратиб мазкур профилининг саҳифасига ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган Рафиқ Камоловнинг “8 март байрами”, “Наврўз байрами” ҳақидаги, Содиқ Самарқандий ва бошқаларнинг диний маърузаларини жойлаштириб намойиш қилиш орқали тарқатиб, сақлаб келаётганлиги аниқлаганлигини, шундан сўнг, ушбу видеороликларни тегишли тартибда ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олиниб, уларни тақиқланганлик ҳолатига экспертиза йўли билан аниқлик киритиш мумкин бўлганлиги учун тегишли тартибда суд-адабиётшунослик экспертизаси тайинланганлигини, эксперт хулосасига кўра Рафиқ Камоловнинг “8 март байрами”, “Наврўз байрами” ҳақидаги, Содиқ Самарқандий ва бошқаларнинг диний маърузалари ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш,



тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланганлигини, 2022 йил 18 март куни С.Ҳайитовнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан тўпланган терговга қадар текширув ҳужжатларини Миробод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлимига топширганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи С.Ҳайитовнинг айби ўзининг айбига тўлиқ иқдор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида гувоҳ Б.Суюнов кўрсатув бериб ўтганда, судланувчи С.Ҳайитов томонидан тўлиқ тасдиқланганлиги, жиноят иши ҳужжатларидаги нарсани олиш баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2022 йил 15 март кундаги ИР-422-сонли судга оид диншунослик экспертизаси хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган далиллар ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Суд, судланувчи С.Ҳайитовнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди, оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида Инсонпарварлик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида Одиллик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб;



-мазкур Пленум Қарорининг 3-бандида “жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга - судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к.лар киради” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи С.Ҳайитовга жазо тури ва муддати тайинлашда унинг ёшини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, содир этган жиноятнинг оқибатларини тўлиқ тушуниб етганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандидаги амалий тушунтиришларини эътиборга олиб, юқоридаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “DVD” дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни ҳамда бир дона “REDMI-7” русумли уяли телефон аппаратини йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ҳайитов Сардор Қахрамонович (HAYITOV SARDOR QAXRAMONOVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбли деб топилсин ва ушбу модда билан унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



С.Ҳайитовга озодликни чеклаш жазоси Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Арбичан ҚФЙ, Урганч қишлоғи, 313-уйда кечки соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар ўташ белгилансин.

С.Ҳайитовга:

-яшаш жойини назорат қилувчи органнинг рухсатисиз ўзгартирмаслик;

-оммавий тадбирларда иштирок этмаслик;

-Интернет тармоғидан фойдаланмаслик;

-Бухоро вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик чекловлари ўрнатилсин.

С.Ҳайитовга жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижросини таъминлаш Бухоро вилояти Гиждувон тумани ИИО ФМБ Пробация бўлимига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, Тошкент шаҳар ИИББ Молия-иқтисод бошқармасининг депозит ҳисобига гаров сифатида топширилган 5.500.000 сўм пуллари С.Ҳайитовга қайтарилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “REDMI-7” русумли уяли телефон аппарати ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “DVD” диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукм устидан апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида маҳкум томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ҳукм чиқарган суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ш.Шерматов

Нусха аслига тўғри:

